ЎзССР Давлат китоб палатаси
3 1 1 0 9 4

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 20 октябрь, пайшанба | №157 (21.731) | Сотувда эркин нархда.

ИСТАНБУЛ УЧРАШУВИ

•Истанбул. (ЎзА махсус мухбири Ғулом Мирзо хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 октябрь куни туркийтилли давлатлар раҳбарларининг Туркияда ўтадиган олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун Истанбулга ташриф буюрди.

Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон ҳамда Туркия давлат байроқлари билан безатилган Отатурк номидаги аэропортда мамлакатимиз раҳбарини Туркия жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Кутиб олиш маросимидан сўнг Президентлар тушган махсус вертолёт "Дўлмабоғча" қароргоҳига йўл олди.

Шу куни ҳашаматли "Чироғон" меҳмонхонасининг тантаналар залида туркийтилда сўзлашувчи олтита давлат Президентлари учрашдилар. Давлат бошлиқлари анжуманини Туркия давлати Президенти С. Демирэл кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг туркийтилли давлатлар раҳбарларининг ёпиқ мажлиси бошланди. 19 октябрь куни олий даражадаги учрашув давом этди. Анжуманда туркийтилли давлатларнинг ягона бозорини яратиш, минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, мустақилликка эришган туркий давлатларнинг эгаменлигини мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Китоб тумани пахтакорлари мавжуд 3330 гектар майдондан 7500 тонна пахта йиғиштириб олиб, йиллик режани мамлакатимизда биринчи бўлиб бажаришганди. Уларнинг нияти—ялпи хирмонни 10 минг тоннага етказиш. Шу боис далаларда ҳамон йиғим-терим авжида.

Тумандаги "Навбаҳор" жамоа ширкат хўжалиги деҳқонлари эса 700 гектар майдондан 1600 тонна ҳосил олишди. Режа ортиғи билан бажарилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Миришкорлар яна 400 тонна пахта йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Шу боис терим суръати сусайганги йўқ. Хўжалик бўйича йиллик режани биринчи бўлиб бажарган Муҳаммади Донийёров етакчилигидаги азаматлар ҳар гектар майдондан 36 центнердан хирмон кўтаришди. Лафзи ҳалол деҳқонлар ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Суратда: Илғор теримчилардан Тозагул Абдиева, Наргиза Ҳақбердиева ва бригада бошлиғи Муҳаммади Донийёров.

Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

Америкалик ҳарбийлар Гаитида қоладиган бўлишди

•Америка ҳарбийлари яна бир неча ой Гаитида қоладиган бўлишди.

Бу гапни ушбу мамлакатдаги АҚШ элчиси Уильям Свинг айтди. Америкалик ҳарбийларнинг Гаитида қолишининг биринчи сабабларидан бири, — деди дипломат. — Улар асосан яширин кучларга қарши курашадилар. Чунки бу кучлар мамлакатга қайтиб келган президент Аристид тарафдорларига қарши қўзғалаётган эди.

Буюк Британия қироличаси Кремлда

•Россияга давлат визити билан келган Буюк Британия қироличаси Елизавета II мамлакат бўйлаб танишишни давом эттирмоқда.

Бу ерда кироличани тантанали кутиб олишди. У театрларда, концертларда ва кўргазмаларда бўлади. Унинг ўзи ҳам Россияга қуруқ келгани йўқ. Россиянинг 40 мингдан зиёд ўрта мактаблари қиролича томонидан юборилган ахборот материалларини, шунингдек, брошюраларни қабул қилиб олади.

Чекиш ман этилади

•Хитой Халқ Республикасининг йирик саноат марказларидан бири ҳисобланмиш Шанхай шаҳрининг жамоат жойларида шу йилнинг 1 декабридан бошлаб чекиш қатъиян ман этилади.

Эндиликда театрларда, концерт ва кўргазма залларида, кутубхона, музей, шифохона, мактаб ва савдо марказларида тамаки тутуни қонунидан ташқари, деб ҳисобланади.

Қон — гепатит сабабчиси бўлди

•Хитойдан Жанубий Кореяга келтирилган 253 минг дона ярим литрли пакетларга жойлаштирилган тозаланган қоннинг олтитасида В гепатитининг вируслари борлиги аниқланди.

Пакетлардан 11 тасида эса С гепатитининг вируслари бор экан. Бу пакетлар Жанубий Корея халқининг саломатлигини яхшилаш учун аталган эди. Афсус...

Дипломатларни табриклади

•Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон Гаитидаги операция муваффақиятли якунланганги муносабати билан АҚШ ҳарбийлари ва дипломатларини тантаналли равишда табриклади.

Шунингдек, у АҚШ Гаитида ўрнатилган демократик бошқарувни мустаҳкамлаш ва мамлакат тизимини қайта ташкил этишда бундан буён ҳам кўмак беришини айтди. Билл Клинтон АҚШ ва бошқа давлатлар ушбу мақсад учун Гаитига 550 миллион доллар маблағ ажратишга ваъда берганини ҳам эслатди.

Референдум муваффақиятли якунланди

•Норвегия Бош вазири Гру Харлем Брутланд Финляндия ҳукуматини мамлакатнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиш масаласи бўйича ўтказилган референдум муваффақиятли якунланганги билан қутлади.

Норвегия ҳукумати раҳбари Финляндиядаги мазкур умумхалқ сўровининг натижаси 28 ноябрда Норвегиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши овозга қўйиладиган референдумга ҳам ижобий таъсир қилишини таъкидлади. У фин халқининг ушбу қарори норвегларга ўрнак бўлади, деб умид билдирди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ИСЛОМ КАРИМОВ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ ҚЕЛДИ

19 октябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Туркиядан қайтиб келди. Ислом Каримов туркийтилли давлатлар раҳбарларининг учрашувида иштирок этиш учун Истанбулга ташриф буюрган эди.

Тошкент аэропортида Ислом Каримовни Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, А. Азизхўжаев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи олдидан

ИШЧИ ГУРУҲИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлажак сайловлар муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми партиямиздан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифларни ўрганиш ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ишчи гуруҳи зиммасига партиямиз Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари пленумларининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича тавсияларини ўрганиб, ЎзХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойида кўриб чиқиш учун тегишли таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

Қуйида мазкур ишчи гуруҳи таркиби эълон қилинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифларни ўрганиш ишчи гуруҳи ТАРКИБИ

А. М. ЖАЛОЛОВ — Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби, ишчи гуруҳи раҳбари

И. А. КОЧМАРИК — Ўзбекистон ХДП МК котиби, ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари

Ишчи гуруҳи аъзолари

А. Х. АСАНОВ — Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби

М. Ғ. АЛИЕВА — Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши иккинчи котиби

Д. ДАДАЖОНОВА — Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми аъзоси

Ғ. Н. МАШАРИПОВ — Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби

А. А. МИРСАЛИМОВ — Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби

В. К. МИХАЙЛОВ — Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги вазири, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

Р. М. МУХТОРОВ — Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби

А. Н. НОСИРОВ — Самарқанд шаҳри ҳокими, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми аъзоси

С. А. НИШОНОВ — Жиззах педагогика институти ректори, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси

Ж. К. НУРУЛЛАЕВ — Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши биринчи котиби

Ф. О. ОМОНОВ — Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби

Б. М. РЎЗИЕВ — Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши биринчи котиби

М. Қ. СИНДОРОВ — Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги "Синдоробод" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

Г. С. СУБХОНОВА — Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби

Й. С. СУЮНОВ — Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби

Д. В. ТАРАСЕНКО — Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши иккинчи котиби

Ў. Т. ТУРҒУНОВ — Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби

Л. Ё. ҒУЛОМОВ — Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби

Ҳ. Э. ЭРМАТОВ — Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби.

АДИБ ТЎЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

19 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик юбилейини ўтказиш ташкилот қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унга мазкур қўмитанинг масъул котиби Пиримқул Қодиров раислик қилди. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг Абдулла Қодирий юбилейини ўтказиш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаетгани муҳокама этилди. Мутасадди раҳбарларнинг ана шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар амалга оширилган тадбирлар ҳақида гапириб, бу борада ҳали қилинажак ишлар кўплигини, уларни тезлаштириш лозимлигини таъкидлади.

(ЎзА).

Янгиликдан хабарингиз борми?

ШИРДОН ФЕРМЕНТИ — ДАРОМАД МАНБАИ

Ширдон ферменти, яъни реннин — тери учун сўйилган, ўлик еки чала туғилган қоракўл қўзиларидан олинади. У пишлоқ тайёрловчи корхоналарда ишлатилади. Пишлоқ тайёрлашда у сутни сифатли ивитади, маҳсулотга маза беради. Бироқ нима учундир бизда ана шундай қимматбаҳо хом ашёни тайёрлашга етарлича эътибор берилмаяпти.

Ваҳолонки, Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларидан бирида ҳозирги шароитда сут, пишлоқ, колбаса тайёрловчи ихчам завод ва цехларни кўпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ширдон ферменти айнан ана шундай корхоналарни арзон хом ашё билан таъминлай олади.

Очиғи, дунёда реннин олиш технологияси мавжуд. Бироқ у жуда мураккаб. 126 соат давом этади. Ўзбекистон қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти олимлари профессор В. Шиманов раҳбарлигида қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ў. Орипов, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ш. Турсунов, ёш олимлар Д. Бисерева, С. Кучинский, Р. Холиқов ҳамда ушбу сатрлар муаллифи мавжуд технологик жараённи қисқартириб икки соатга келтирдилар. Ишлаб чиқариш ҳаражати ўн марта камайтирилди.

Институт қошида ана шундай фермент тайёрловчи цех ташкил этилаяпти. Истаганлар бизга мурожаат қилиб, бундай қимматбаҳо хом ашё тайёрлаш юзасидан маслаҳатлар олишлари мумкин.

Ўзбекистонда йилига 1 миллион дона қоракўл ширдони етиштирилади. Қоидага кўра, 500 дона ширдон (қоринча) дан бир килограмм реннин ферменти олиш мумкин. Мабодо 2 тонна реннин тайёрланса,500 минг Америка доллари ишлаш мумкин. Ваҳолонки, республикамиздаги, жумладан, Самарқанддаги сут комбинатлари ҳозирга қадар бундай хом ашёни қиммат баҳода чет элдан сотиб олишяпти.

Биз сут саноатидаги мутахассислар, фермерлар, ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Комилжон ТОШЕВ, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН СЎМНИ ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА АЛМАШТИРИШГА ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚ ПАТЕНТЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси валюта бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1994 йил 7 октябрдаги қарорига мувофиқ ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тўловлар ва ҳисоб-китобларни хорижий валютада амалга ошириши 1994 йил 15 октябрдан тўхтатилгани муносабати билан сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштиришга имтиёзли ҳуқуқ берадиган патентларни топширишнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида резидентлар ва норезидентлар моллар ва хизматлар учун амалга оширадиган ҳисоб-китоб қилишнинг қуйидаги тартиби белгиланади.

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валютага савдо ва хизмат кўрсатишни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси марказий банки илгари берган рухсатнома бекор қилинади.

2. Резидентлар ва норезидентларнинг фақат халқаро пластик кредит ва дебет карточкалари ёрдамида моллар ва хизматлар учун эркин алмаштириладиган валютада ҳақ тўлашларига рухсат этилади.

2.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки республика ҳудудида халқаро пластик карточкалар ёрдамида эркин алмаштириладиган валютада нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириш ваколати берилган молиявий ташкилотдир.

2.2. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва хорижий банклар томонидан чиқарилган "VISA" тусидаги халқаро пластик карточкаларнинг эгаларига хизмат кўрсатиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан шартнома тузган корхоналар ва ташкилотлар уларни тўлов воситаси сифатида чекловсиз қабул қиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштиришга имтиёзли ҳуқуқ берадиган патентлар истеъмол бозорини эркин муомаладаги валютага сотиб олинган, шу жумладан консигнация асосида харид қилинган моллар ва хизматлар билан тўлдиришни таъминлаётган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси марказий банки томонидан ваколатли банклар орқали берилади:

а) илгари Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг рухсатномасига мувофиқ чакана савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланган тадбиркорлик фаолияти субъектларига;

б) биринчи навбатда халқаро "VISA" пластик карточкалари тизими орқали чакана савдо ва хизмат кўрсатишни амалга ошираётган тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳамда "VISA" карточкалари бўйича ҳақ тўлаш орқали хориждан молларни майда улгуржи келтираётган жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентларига. (Матннинг давомида "А" ва "Б" бандларда санаб ўтилган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар "четдан махсулот келтирувчилар" деб юритилади).

3.1. Четдан махсулот келтирувчилар Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштириш ҳуқуқини берадиган патентни олиш учун Ўзбекистон Республикаси марказий банкига қуйидагиларни тақдим этадилар:

— ҳисоб варақасида молларни сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинган пул ҳисобидан тушган маблағ қолдиғи мавжудлиги ҳақида банк ахбороти билан биргаликда илтимоснома;

— Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг "VISA" карточкаси бўйича операциялар мавжудлиги ва унинг ҳажми ҳақидаги маълумотномаси;

— келтирилган ва сотилган моллар рўйхати (божхона хизматининг моллар келтирилганини тасдиқловчи маълумотномаси илова қилинади);

— корхона низомининг нотариал идора тасдиклаган нусхаси;

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият вазирлигида рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

— жорий валюта ҳисоб варақаси мавжудлиги тўғрисида ваколатли банк маълумотномаси;

— молларни майда улгуржи келтириш билан шуғулланаётган жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг "VISA" карточкалари бўйича тўлов операциялари тўғрисидаги ахборотини ҳамда келтирилган моллар сўмга сотилганини тасдиқлайдиган маълумотномани тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки тақдим этилган ҳужжатларни қараб чиқиш натижалари юзасидан четдан махсулот келтирувчиларга қабул қилинган қарор ва мурожаат этилган кундан бошлаб ўн кун ичида пул алмаштириш ҳуқуқини берадиган патент тақдим этилиши ҳақида маълум қилади.

3.2. Сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштиришнинг имтиёзли ҳуқуқига патент берилгани учун Ўзбекистон Республикаси марказий банки белгилайдиган миқдорда ва тартибда ҳақ олинади.

Патент тўлов қоғози нусхаси еки марказий банкка тегишли миқдорда пул ўтказилгани тўғрисидаги квитанция кўрсатилгандан сўнг берилади.

Четдан махсулот келтирувчилар патентнинг нусхасини ўзи жорий валюта ҳисоби очган ваколатли банкка тақдим этади.

3.3. Пул алмаштириш ҳуқуқини берадиган патент берилмаган тақдирда махсулот келтирувчига рад жавобини асослайдиган хулоса тақдим этилади.

3.4. Ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга — резидентларга Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида марказий банк томонидан берилган патентга мувофиқ белгиланган тартибда валюталар алмаштирилади.

Четдан махсулот келтирувчилар савдода иштирок этиш учун ваколатли банкка хорижий валютани сотиб олишга белгиланган шаклдаги талабномани ва битим нусхасини тақдим этади.

3.5. Мабодо четдан махсулот келтирувчи сотиб олинган валютадан 30 кун давомида тегишли равишда фойдаланмаса, бу валюта Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси орқали сотилиши шарт.

Сотиб олинган хорижий валютадан кўзда тутилган мақсадда ва ўз вақтида фойдаланишни назорат қилиб бориш ваколатли банклар зиммасига юкланади.

•ХДП ҳаётидан

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

НУКУС. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларига бўладиган сайловлар ва Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика ташкилотининг навбатдан ташқари иккинчи конференцияси иккинчи босқичини чақириш муносабати билан партия ташкилотларининг вазифалари" муҳоқама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши биринчи котиби А. Асанов маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда қатнашган Тахтакўпир туманидаги Димитров номли ўрта мактаб директори А. Даршеева, Ўзбекистон ХДП Қонликўл туман кенгаши котиби Б. Қидирниёзов, Тахиатош шаҳар ҳокими, Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби А. Шапиев, Қорақалпоғистон касаба уюшмалари республика кенгаши раиси Б. Юсупова, Беруний тумани ҳокими муовини Р. Курбонбоев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қорақалпоғистон Республика қўмитаси биринчи котиби Т. Ўрозбоев республикамиз раҳбариятининг тинчликсевар ички ва ташқи сиёсатини тўла маъқуллаб, юртбошимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари изчиллик билан амалга оширилаётганлигини, Ўзбекистон демократик давлат, адолатли фуқаролар жамияти қуриш сари дадил қадам ташлаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Иқтисодий ислоҳотлар илк натижаларини беряпти. Овулларда янги саноат корхоналари вужудга келтирилмоқда.

25 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни муносабати билан ушбу сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ҳамма жойда ишлар бошлаб юборилди. Касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар, фахрийлар ташкилотларининг мингминглаб фуқароларни ўз сафларига жипслаштирганлигини ҳисобга олганда, улар билан амалий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали партиядан кўрсатиладиган номзодларнинг янада кўпчилик овоз олишини таъминлаш мумкин. "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" ва бошқа турли жамғармалар ҳамда миллий маданий марказлар фаоллари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш яхши натижалар бериши табиийдир. Шу билан бир қаторда сайлов даврида сайловчиларнинг яшаш жойларида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини пухта ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Сайловчиларнинг бешдан бир қисми ёшлардан иборат бўлишини назарда тутиб, — дейишди пленумда сўзга чиққан кўпгина нотиқлар, — барча партия кенгашлари Ёшлар Иттифоқи қўмиталари билан тузилган шартномалар асосида ёш сайловчилар клубларини тузиб, тушунтириш ишларини ҳозирданоқ бошлаб юбордилар.

Бўлажак сайловлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Қорақалпоғистон Республика партия ташкилоти учун катта синов бўлади. Шу синовдан муваффақиятли ўтилса, келажакдаги иш фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти, йўналиши ҳам, омма орасидаги обрўйимиз ҳам шунга қараб белгиланади. Нотиқлар шуларни алоҳида таъкидлаган ҳолда бу соҳада партия ташкилотлари, фаоллар тарғибот-ташвиқот ишларини шу кунги барча долзарб вазифалар билан чамбарчас боғлаб олиб боришаётганлигини айтиб ўтдилар.

Шунингдек, пленум Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика ташкилотининг II конференцияси иккинчи босқичини 25 октябрда чақиришга қарор қилди.

Пленум ишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев қатнашди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ДИЛИ ВА ТИЛИ БИР ХАЛҚМИЗ

Бешинчидан, жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ва иқтисодимизни такомиллаштириш эвазига халқимизнинг реал даромадларини ва ҳаёт даражасини кўтарайлик!

Ислом КАРИМОВ.

"ВАРЗОНЗЕ" ҚАДДИНИ ТИКЛАМОҚДА

Аслида бу муҳташам бино спорт мажмуи бўлиши керак эди. Бобур номли жамоа хўжалиги бошқаруви оғир иқтисодий шароитда бинони охиригача қуришга эришди. Лекин...

Қиёмжон ўшанда хўжаликда бош муҳандис бўлиб ишлар, бир хаёл унга тинчлик бермас, бировга айтишга ботина олмасди. Бир кун вилоят ҳокими хўжалик далаларини айланиб, сўнг ўша спорт мажмуи биноси қурилишининг бориши билан қизиқиб қолди. Шунда ҳоким Қиёмжон Қўлдошевнинг кўнглидагини сезгандек, бошқарув раисига:

— Шу ерда Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси очсак қандай бўларкан? — деб қолди.

Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди. Қўшма корхона ташкилотчилиги Қиёмжон зиммасига юклатилгани унга қанот бағишлади. У елиб-югурди. Бир йил деганда корхона ишга туширилди. Туркиянинг "Бурсель" фирмаси барча дастгоҳ, мутахассисларни аямади.

Уч ойдирки, "Варзонзе" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишлаб турибди. Корхона бир кунда 2,5-3 минг дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирча эса бу миқдор 1000 тани ташкил этяпти. 260 киши иш билан таъминлангани хўжалик учун ҳам, Шофиркон тумани учун ҳам қувончли ҳол.

— Ўртадаги шартномага мувофиқ олинаётган фойданинг 30 фоизига фирма шерик, — дейди қўшма корхона директори Қиёмжон Қўлдошев. — Бу ҳам вақтинча. Корхона қаддини тиклагач, бу миқдор камаяди. Ўз кадрларимиз бор: модельердан тортиб, бош муҳандисгача ерли халқ фарзандлари. Фақат туркиялик усталар — Меҳмед Авжи ўғли, Акмал Меҳмедлар ҳозирча бизга кўмакдош.

Ҳа, "Варзонзе" тамғаси билан чиқаётган маҳсулотга биргина Бухоро вилоятида эмас, балки жумҳуриятимизнинг бошқа жойларида ҳам талаб катталиги сезилиб қолди. Чун и кўйлаклар бежиримлиги, айниқса, сифатлилиги билан бошқа корхоналар билан рақобатлашаётир.

Корхона хом ашёни Бухоро ип-газлама бирлашмасидан олиб турибди. 13 хил кўйлак тикиляпти. Яқин орада фирма Хитой, Покистон, Япония билан тузилган шартнома асосида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўяди. Ўшанда ишлар янада юришиб кетади.

Қиёмжоннинг таъкидлашича, корхонанинг иккинчи навбати — пайпоқ тўқиш фабрикаси ҳам яқин орада ишга туширилади. Шунда яна 300 киши иш билан таъминланади. Ҳар куни 1800 жуфт пайпоқ тўқиладиган фабрика учун ҳам шу ернинг ўзида бино топилди. Бундан ташқари ошхона, дўкон, тиббиёт пункти ишлаяпти.

Цехни айландик, бир хил коржома кийган, бир-биридан гўзал қишлоқ қизлари 156 та тикув дастгоҳини чаққонлик билан бошқаришяпти. Чеварлар қўлидан чиқаётган кўйлаклар киши диққатини тортади. Баҳоси ҳам арзон. Бунда Шоҳзода Болтаева, Зебо Мавлонова, Шаҳло Баратова, Нодира Файзиева, Зебинисо Эргашева, Феруза Жалилова сингари чеварларнинг хизмати катта.

"Варзонзе" қаддини ростлаяпти. Эрта-индин унинг маҳсулотлари жаҳон кезади. Бундай корхоналар эса вилоятда кун сайин кўпаймоқда. Улар Ўзбекистонимизнинг жаҳонга танилишида хизмат қилиши, шубҳасиз.

Даврон БАҲРОНОВ
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Марғилон бадиий ёдгорлик буюмлари ишлаб чиқариш хусусий жамоа корхонаси жами юзга яқин турдаги ёдгорлик маҳсулоти ишлаб чиқараётир. Корхона меҳнат аҳли йил охиригача 4,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб беришни режалаштирган.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Маҳфуза Мадалиева шу ерда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотни кўз-кўз қилаётир.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ЙЎҚНИ ЙЎНДИРИБ...

Эшмурод Шоймардонов Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги М. Дадажонов номли ширкатлар уюшмасида хусусий деҳқон хўжалиги бошлиғи. Уни меҳнаткашлиги, изланувчанлиги, йўқни йўндириб, топиб-тутиб халққа беришини туманда ҳамма ёқтиради.

Бултур Эшмурод уюшмадан 38 гектар ерни хусусийлаштириб олган эди. Ана шу майдонларга ғалла ва маккажўхори экиб, уюшмага ҳар гектар ҳисобидан аввалги йилдагига нисбатан 2 минг сўм кўп фойда келтирди.

Бу йил Эшмурод турмуш ўртоғи Гулчеҳра, ўғли Дилмурод ва укаси Зокиржонларни ёнига олиб, 20 гектар ерга буғдой, 12 гектар ерга маккажўхори ва 6 гектар майдонга қовун-тарвуз экди. Оила аъзоларининг баҳор ва ёз ойлари давомида деҳқонга хос матонат ва изланувчанлик билан қилган меҳнати натижасида ҳар гектар ғаллазордан 43 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 86 тонна сара дон сотилди. Сомони уюшманинг чорва фермасига топширилди.

Шахсий деҳқон хўжалигида эрта-индин маккажўхори ўрим-йиғими ҳам бошланади. Миришкорлар ҳар гектар майдондан 60 центнердан дон, 250 центнердан силосбоп кўкпоя ўриб-йиғиб олишни мўлжаллаб туришибди.

— Доннинг ҳаммасини давлатга сотамиз, — дейди Эшмурод Шоймардонов. — Поясини эса уюшмамиздаги меҳнат ва уруш фахрийлари, кам таъминланган оилалар моллари учун текин тарқатамиз. Молларини боқишсин, қишда қийналишмасин.

Ҳимматингга балли, дегинг келади тадбиркор деҳқонга. Ғалладан бўшаган майдонларга мош экиб, мўл ҳосил етиштираётганини кўриб, яна бир бор олқишлагинг келади. Ахир яна бир неча кундан сўнг камида 20-30 тонна мош олинади.

Шахсий деҳқон хўжалигининг полиззори ҳам қут-баракали бўлди. Улар етиштирган қовун-тарвузлар Тошкент, Жиззах ва Дўстлик шаҳарлари бозорларида сотилмоқда. Биргина тошкентликлар учун 70 тоннадан зиёд тилими тилни ёрадиган сершира неъматлар етказиб берилди. Қиш учун 20 тонна қирқма қовунни ғамлаб қўйиш тараддуди кўриляпти.

Эшмурод Шоймардонов Халқ демократик партияси аъзоси сифатида уюшма чўлқуварлари орасида Президент Фармонлари моҳиятини, Миллий мафкурамиз мазмунини, Олий мажлиса бўлажак сайловларга ҳозирликнинг боришини кенг тушунтирмоқда. Кошки, республикамиздаги ҳар бир деҳқон ва фермер лоақал Эшмуроддай эл-юртга наф келтирувчи фидойи бўлса!

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ВАТАННИНГ КЎЗ ҚОРАЧИҒИ

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб ўтказилган Олий таълим аълочилари ва ёш олимларнинг илк анжумани "Аъло ўқишимиз ва меҳнатимиз сенга, жонажон Ўзбекистон" деб номланди.

— Мустақиллик шарофати ила уюштирилган мазкур йиғиндан мақсадимиз, — дейди Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Қаҳрамон Аллаев, — ёш, иқтидорли талабалар, олимларнинг бир-бирига яқинлашуви, мулоқотини ташкил этишдан иборат. Бундай мулоқот ёшларнинг фикр доираларини кенгайтириб, ўқиш, ишларига яхши йўлланма бўлиши шубҳасиз.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи маслаҳатчиси И. Турсунов, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов, ТошДУ ректори Т. Жўраев ёшларга эзгу тилаклар билдиришди.

Олий ўқув юртлари аълочи талабалари, аспирантура бўлими бошлиқларининг чиқишларидан сўнг республика ёшларига мурожаатнома қабул қилинди. Шу куни анжуман қатнашчилари гуруҳларга бўлиниб, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамда Тошкент Давлат педагогика институтларида бўлиб, у ерларда қизиқарли учрашувлар ўтказдилар.

Умида ФАЙЗИЕВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

„Оқ олтин" хирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 19 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Режага нисбатан фоиз ҳисобида

Вилоятлар	жами		шу жумладан машинада терилгани	
	Бир кунда:	мавсум бошидан бери	бир кунда:	мавсум бошидан бери
Қашқадарё	1.22	97.44	0.58	64.90
Хоразм	1.13	96.87	0.18	7.69
Бухоро	0.63	95.46	0.00	3.70
Андижон	1.41	90.66	0.46	21.69
Навоий	0.69	88.74	0.36	26.78
Фарғона	1.19	87.14	0.07	14.85
Наманган	1.52	85.54	0.71	36.41
Самарқанд	0.78	85.23	0.11	25.68
Сурхондарё	1.08	81.76	0.20	31.13
Тошкент	1.41	75.96	0.83	52.17
Қорақалпоғистон Республикаси	1.25	66.89	0.42	20.78
Жиззах	1.05	65.51	0.76	49.34
Сирдарё	1.50	62.41	1.20	48.82
Республика бўйича	**1.17**	**83.15**	**0.51**	**34.73.**

ХИРМОН ЯНАДА ЮКСАК БЎЛАДИ

Қува ўз анори билан, Риштон қандак ўриклари, Бувайда анжири билан ном чиқарган бўлса Олтиариқ ўзининг нокдек қарсиллаган турушию хуштаъм бодринги билан донг таратган. Бу йил пахтачиликда ҳам олтиариқлик деҳқонлар Фарғона вилоятида ҳаммага ўрнак бўлишди. Қисқа муддатда туман пахтакорлари мустақил республикамиз хирмонига 30 минг 300 тоннадан зиёд пахта етказиб беришди. Ҳар гектар ердан ўртача 29,4 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг деярли барчаси юқори навга сотилди. Бу эса ўз навбатида хўжаликларнинг катта иқтисодий фойда кўришларига замин яратади.

Бошланғич партия ташкилотлари оммани теримга сафарбар этишда катта ташкилотчилик ишларини амалга оширяпти.

"Жўрак", Т. Қўзибоев номли, "Қизилтепа", Отақулов номли, "Янгиобод", "Иттифоқ", "Нуробод", "Оқбўйра", Каримов номли, Навоий номли жамоа хўжаликлари пахтакорлари, айниқса, ибрат кўрсатиб меҳнат қилишди. Шу кунларда олтиариқликлар пахта хирмонини янада юксак қилиш учун астойдил ишлашмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг йиллик обуна баҳоси 307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг 1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди:

Фуқаролар учун:
бир йилга — 252 сўм;
олти ойга — 126 сўм;
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 528 сўм;
олти ойга — 264 сўм;

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"га обуна бўлишга шошилинг!

21 октябрь — Она тили куни

ТИЛИМИЗ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

21 октябрь "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун. Бу мамлакатимиз ҳаётида катта тарихий воқеа. Мазкур қонун ўзбек тилининг мавқеини тиклашга, унинг ҳаётимиз барча соҳаларида амал қилишига катта имконият яратиб берди. 1991 йилнинг 31 август куни эълон қилинган ва яқинда уч йиллиги зўр тантаналар билан нишонланган Истиқлолимиз эса ўзбек тили равнақи учун тарихий шарт-шароитларни вужудга келтирди.

Хўш, бу қонун ўз-ўзича дунёга келдими? Йўқ! Тилимиз ҳақидаги қонун жиддий курашлар, кескин баҳсу мунозаралар асосида катта фидойилик, жасорат, бинобарин, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши туфайли юзага келди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни ҳам ўзига яраша бир тарих. Ўша вақтларда Ўзбекистонда икки тил — ўзбек ва рус тилларини давлат тили деб эълон қилишга тарафдорлар бор эди. Республиканинг баъзи раҳбарлари, айрим олимлар ва фахрий арбоблар ҳам шундай кайфиятда эдилар. Бироқ кўплаб зиёлиларимиз, ёзувчиларимиз, жамоатчилик ўзбек тили — бир тил давлат тили бўлиши кераклигини қатъий ҳимоя қилиб чиқдилар.

Давлат тили ҳақида дастлаб эълон қилинган биринчи лойиҳа "Ўзбекистон Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни" бўлиб, у жуда катта баҳсларни туғдирди. Бу лойиҳанинг сарлавҳасиданоқ унда икки тиллилик сиёсатининг давом этаётганлигини жамоатчилик маъқул топмади. Шундан кейингина иккинчи лойиҳа ишлаб чиқилди. У "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили" деб аталди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида — "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинди.

Шу ўринда халқимизга омад қулиб боққанлигини, республикага Ислом Каримовнинг биринчи раҳбар бўлиб сайланганлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Чунки ўша 1989 йилда марказдан юборилган "десантчи"лар: уларнинг ашаддий вакиллари — Анишчев (Марказкомда), Сатин (Тошкент шаҳар партия комитетида), Романовский (Олий Кенгашда), Огарок (Вазирлар Кенгашида)лар Ўзбекистонда давру даврон суриб юрган эдилар. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг биринчи лойиҳасини икки тилга мослаб тузирганлар ҳам шулар эди.

Республикани мустақил бошқарадиган "десантчи"ларнинг тазйиқу найрангларини даф этган, халқи, миллатининг орзу-умидларини ўзида мужассам қилган кишининг юртимиз бошида турганлиги давлат тили ҳақидаги қонуннинг янги, иккинчи лойиҳаси тайёрланиши ва қонун қабул қилиниши учун муҳим омил бўлди.

Ҳар қандай қонун, ўз-ўзича ишлаб, ҳаракатга кириб кетавермайди. Шунинг учун ҳам Олий Кенгаш давлат тили ҳақидаги қонунни кучга киритиш тўғрисидаги қарорида қонунни амалга ошириш бўйича давлат дастури тайёрлаш ва бу дастурни амалга ошириш ишини Вазирлар Кенгашига топширди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (ҳозир Вазирлар Маҳкамаси)нинг 1989 йил 4 ноябрдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги Қонунни амалга ошириш Давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди. Дастурни тайёрловчи ҳукумат комиссияси таркиби тасдиқланди. Бу комиссия республика вазирликлари, идоралари, ташкилотлари раҳбарлари билан ҳамкорликда Давлат дастурининг лойиҳасини тайёрлади. Дастур лойиҳаси Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 19 февраль қарори билан қабул қилинди. Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш Давлат дастурида қонунни амалга жорий этишнинг барча масалалари ўз аксини топган. У ҳамма вазирликлар, идоралар, вилоятлар, туманлар, ташкилотлар, муассасалар учун кўп йиллик амалий ҳаракат қўлланмаси бўлиб қолди.

Бу қонунни ҳаётга жорий этишни назорат қилиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб туриш учун Вазирлар Кенгашининг ўша мажлисида Давлат дастурини тайёрловчи Республика комиссияси ваколатлари ўзгартирилиб, уни давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича республика комиссияси деб аташ ҳамда бу комиссия қонуннинг ҳамма моддалари амал қила бошлайдиган муддатгача ишлаши ҳақида қарор қилинди. Бу комиссия ҳозир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси еки қисқача айтганда, Ҳукумат тил комиссияси деб аталади.

Ўтган давр ичида комиссия ташаббуси билан Давлат дастурида белгиланган қатор тадбирлар амалга оширилди. 1990 йилнинг бошидан эътиборан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси ишга гуширилди, 1991 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти асосида мустақил Тилшунослик институти ташкил этилди. Ўзбек тили жамияти таъсис қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Мутолов раҳбарлик қилаётган Ҳукумат тил комиссияси ва унинг котибияти вазирликларда, қўмиталарда, вилоятларда, туманларда, ташкилотлар ва корхоналарда давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши устидан назорат олиб бормоқда. Қонун моддалари ва давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилиш аҳволини ўрганмоқда. Комиссиянинг мунтазам равишда ўтиб турадиган мажлисларида вазирлик, қўмита, вилоят, туман ва йирик корхона, идора раҳбарларининг давлат тили ҳақидаги қонунининг ўз ташкилот ва корхоналарида ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари тингланмоқда. Қонунни босқичма-босқич амалга ошириш тадбирлари белгиланмоқда.

Комиссиянинг кейинги мажлисларида давлат тили ҳақидаги қонуннинг Жиззах вилоятида, Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясида, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясида бажарилиши муҳокама этилди. Бу мажлисларда давлат тили ҳақидаги қонуннинг ижросида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар борлиги очиб ташланди. Қонунни амалга оширишда сусткашликка, ўзибўларчиликка йўл қўяётган, қонун кафолатлаб берган имкониятлардан фойдаланмаётган раҳбарлар шаънига жиддий гаплар айтилди. Жумладан, миллий авиакомпаниядек улкан корхонанинг давлат тили ҳақидаги қонун ижроси борасида қилаётган ишлари қониқарсиз, деб топилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Давлат тили ҳақидаги қонун ижроси борасида одамлар турлича фикр билдирмоқдалар: баъзилар бу борада анча-мунча ишлар қилинди десалар, баъзи бировлар бу иш кўнгилдагидек эмас демоқдалар. Хўш, қонун ижроси бўйича нималар қилинди-ю, нималар қилинмади?

Бундай саволга жавоб бериш учун мисолларга мурожаат этсак. Аввало, қонундаги асосий моддаларнинг бажарилиши қай аҳволда эканлиги билан танишсак масала анча ойдинлашган бўлади.

Маълумки, давлат тили ҳақидаги қонун 30 та моддадан иборат. Шундан 2-моддаси — 1,2-моддалар умумий қоидалар, етти моддаси — 9,13,26-30 моддалар ташкилий масалалар — маданий марказлар тузиш ва давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишнинг ҳуқуқий масалаларига бағишланган. Демак, қонуннинг 21 та моддасида бевосита вазифалар белгиланган. Ана шу 21 модданинг 7 таси — яъни 4,5,7,8,16,22,24-моддаларнинг бажарилиши учун Олий Кенгаш қарори билан турли муддатлар белгиланган. Қолган 14 та модданинг барчаси қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга кирган.

Қонуннинг 6-моддасига кўра олий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлари давлат тилида тайёрланиб эълон қилинади. Бу модда амалда тўла қўлланмоқда. Президентимиз фармонлари, Олий Кенгаш қабул қилган қонунлар, қарорлар ва бошқа бошқарув идоралари қарорлари давлат тилида эълон қилинаётир ва таржимаси бериляпти. Бироқ ҳозир тайёрланаётган қонунлар лойиҳасининг маълум қисми олдин рус тилида ёзилаётганлиги, кейин таржима этилаётганлиги сир эмас. Бу ҳақда ҳуқуқшунос олимлар, қонун лойиҳаларини тайёрлайдиган муассасалар жиддий ўйлаб кўришлари ва қонун талабларига амал қилишлари керак. Қонундаги тўрт модда — 10,11,12,25-моддалар судлов, нотариал идоралар, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи идора (ЗАГС)лар, исм-фамилияларни миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёзиш масаласига оид. Судлов ишлари, ЗАГС ҳужжатларини давлат тилида олиб бориш ишларида қонунга риоя этилаётганлигидан барчамиз хабардормиз. Бироқ 11-модда, яъни нотариал идораларда давлат тилида иш олиб бориш эса кўнгилдагидек эмас. Тошкент шаҳридаги нотариал идораларнинг анча-мунчасида ҳамон рус тилида иш олиб борилаётганлиги, ҳатто, 1-нотариал идорада 1993 йилда ҳам муҳрлар ўзгартирилмагани маълум. Тошкент шаҳар Адлия идораси бу борада иш олиб бормоқда. Яқинда 1-нотариал идорада бўлганимизда унинг муҳрлари ўзгарганлиги, ҳужжатлар давлат тилида расмийлаштирилаётганлигининг гувохи бўлдик. Лекин ўзбекча матнларда имло, услубий камчиликлар мавжуд.

Давлат тили ҳақидаги қонуннинг ўзак масалалари унинг 4,-7,-8-моддаларида ўз ифодасини топган. Уларнинг бажарилиш муддати 8 йил деб белгиланган. Қонуннинг 4-моддасида энг муҳим масала — яъни раҳбарлар ва ўз фаолиятига кўра аҳолига хизмат кўрсатадиган ходимларнинг давлат тилини етарли даражада билиши лозимлиги қайд этилган. Ушбу модда шу жиҳатдан ҳам аҳамиятлики, унинг бажарилиши қонундаги бошқа моддаларнинг амалга оширилишига ёрдам беради. Чунончи, қонуннинг 7-моддасига биноан Ўзбекистонда муассаса, корхона, ташкилотларда иш давлат тилида юритилиши лозим. 8-моддага кўра эса ҳисоб-китоб, статистика ва молия ишлари давлат тилида олиб борилиши керак. Қонундаги бу моддаларни бажариш учун русийзабон ходимларни давлат тилида бепул ўқитиш, уларга оддий мулоқотдан ташқари иш юритиш малакасини ҳам ўргатиш тақозо этилади. Шу мақсадда қонунни амалга ошириш давлат дастурига кўра вазирлик, қўмита, вилоят ва туманларда, муассасалар, ташкилот ва корхоналарда давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссиялари тузилган. Бу комиссиялар ўз ташкилот ва корхоналарида, ҳудудларида давлат тили ҳақидаги қонун ижроси билан бевосита шуғулланади. Комиссиянинг асосий вазифаларидан бири — русийзабон раҳбарлар ва ходимлар учун давлат тилини ўргатиш курслари ташкил қилишдан, уларга малакали ўқитувчиларни жалб этишдан иборат. Ҳақиқатан ҳам қонун қабул қилиниши билан барча ташкилот ва корхоналарда, муассаса ва идораларда ишлайдиган ходимлар учун давлат тилини ўргатиш курслари очилди. Минглаб ходимлар ўқиди. Уларнинг кўпчилиги ўзбек тилини бир қадар ўзлаштириб олди-ю... Бироқ, ходимларнинг бир қисми давлат тилини ўрганишга 8 йил белгиланган, ҳали вақт бор деган кайфиятда юришибди. Тўғри, давлат тилини ўрганишга 8 йил белгиланган. Лекин бу муддат айнан саккизинчи йилда тил ўрганишни бошлаш деган гап эмас. Давлат тилини ўрганиш иши ҳамма жойда қонун қабул қилинган кунданоқ бошланган.

Республика вилоятлари ва туманларида давлат тили қонуни ижроси борасида самарали ишлар қилинмоқда, Қишлоқ туманларининг деярли барчасида иш юритиш давлат тилига кўчирилган. Бунга Ҳукумат тил комиссиясининг Фарғона, Жиззах вилоятларида ва яқинда Тошкент вилоятида бўлган бир гуруҳ аъзолари ҳам қаноат ҳосил қилдилар. Аммо республика шаҳарларида давлат тилида иш юритишга ўтиш борасида анча-мунча муаммолар мавжуд. Тошкент шаҳридаги Трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси, Миллий авиакомпания каби йирик корхоналар ўрганилганда, ҳали бу жойларда давлат тилига ўтиш учун жуда кўп иш қилиниши керак эканлиги аниқланди. Фақат Тошкентда эмас, балки бошқа шаҳарларда ҳам давлат тили ҳақидаги қонун ижроси борасида сусткашликлар, камчиликлар мавжуд. Яқинда Ҳукумат тил комиссияси аъзолари Тошкент вилоятидаги шаҳарларда ҳам бўлиб, у ерларда давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши билан танишиб келдилар. Олмалиқ шаҳрида ҳануз иш бир тилда — рус тилида юритиб келинмоқда. Шу шаҳардаги автобазада ишлайдиган 709 кишидан 501 нафари ўзбек бўлишига қарамасдан корхонанинг мажлисларидан тортиб иш юритишигача фақат рус тилида олиб борилмоқда. Чирчиқ шаҳридаги "Электркимё саноати" ишлаб чиқариш бирлашмаси, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўплаб корхоналарда қонунни амалга оширишга лоқайдлик билан қаралмоқда. Вилоятнинг Янгиобод, Ангрен, Янгийўл ва бошқа шаҳарларида ҳам шундай аҳволга дуч келасиз.

Давлат тилини ўқитишда ҳануз камчиликлар йўқ эмас. Баъзи жойларда ўзбек тилини ўқитиш ишлари яхши самара бермаётибди. Бунга давлат тилини ўқитиш ишлари айрим ҳолларда расмиятчилик билан олиб борилаётганлиги бир сабаб бўлса, иккинчиси, ўқитиш ишларининг яхши уюштирилмаганлиги, кўп ўринларда мақсадга мослаб дарс ўтилмаётганлигидир. Тил ўргатиш машғулотлари кўпинча грамматик қоидаларни ёдлатишдан иборат бўлиб, амалиётдан узилиб қолмоқда. Давлат тили ҳақидаги қонунни бажариш, бу тилда иш юритишга ўтиш учун русийзабон ходимларга ўзбек тилини ўқитиш ишларини ҳам тубдан яхшилаш, ҳар бир ташкилот, муассаса ва корхонада давлат тили машғулотларини мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиш зарур. Ўзбек тилини ўргатишга муайян корхона, ташкилотларнинг ўзига оид сўз ва атамалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

21 октябрь — Она тили куни байрами деб эълон қилинган. Ҳар йили бу санани нишонлаш анъанага айланган. 5 йил ичида давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш борасида катта ишлар қилинди. Навбатдаги вазифалар эса янада мураккаброқ. Бу соҳада ҳали жиддий, узлуксиз ишлар олиб боришни ҳаёт тақозо этади.

Ҳабибулла БЕКТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раисининг ўринбосари, Ҳукумат тил комиссияси аъзоси.

Яхшилик унутилмайди

ЭЛДА АЗИЗ

Касбим тақозоси билан Рўзмат Мадаминов билан кўп учрашганман. У бош бўлган жамоа хўжалиги ҳақида қатор телекўрсатувлар тайёрлаганман. Унинг хулқи-атвори, иш услуби, қобилияти билан бир қадар ошно эдим. Рўзмат аканинг Хива туманидаги Соёт қишлоғи иқтисодини кўтариш, қурилиш, маданият, маориф соҳаларидаги, кадрларни тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш борасидаги кўламли ишлари натижалари ҳозир ҳам кўриниб турибди.

У 1933 йилда деҳқон Мадамин ака оиласида таваллуд топди. Жамоа хўжалиги бағрида ўсди. Олий маълумотли агроном бўлди. Хива туманидаги Фрунзе номли жамоа хўжалигига бошқарув раиси этиб сайланди. Ҳалол меҳнати эвазига кўксига қатор орден ва медаллар тақди. "Республикада хизмат кўрсатган пахтакор" унвонини олди. Унинг ўн саккиз йиллик раҳбарлик фаолияти мобайнида пахта ҳосилдорлиги икки баравардан кўпроқ ўсди.

1977 йилга келиб жамоа хўжалиги муҳташам маданият саройига, учта ўрта ва битта бошланғич таълим мактабига эга бўлди. Қишлоқ ҳудудида ҳунар техника мактаби, битта касалхона, бир нечта дўкон, маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилди. Колхоз тўла телефонлаштирилди, электрлаштирилди. Унинг ҳудудидан ўтадиган бош (магистраль) йўлгина эмас, ҳатто жамоа хўжалигининг ички йўллари ҳам асфальт-лаштирилди. Вилоят қишлоқлари ичида биринчи бўлиб қишлоққа нур берилди. Шунингдек, ҳудуд аҳолиси биринчи бўлиб табиий газдан баҳраманд бўлди.

Рўзмат ака олисни кўзлаб иш тутадиган раҳбарлар тоифасидан эди. У жамоа хўжалиги иқтисодини кўтариш, халқ моддий фаровонлигини ошириш учун қишлоқда ёрдамчи хўжаликлар тузиш кераклигини ўша пайтдаёқ англаган ва уларни ташкил этишга киришган эди.

Суратда: Р. Мадаминов илғор бригада бошлиғи Р. Салоев билан. (1974 й).

Натижада ҳудудда бирин-кетин ғишт заводи, ун чиқариш, шоли тегирмонлари, тўрт жойда мойжувоз, кулолчилик цехи, 200 квадрат-метр ҳажмдаги теплица хўжалиги, ҳаммом, дорихоналар ишга туширилди.

Р. Мадаминов ҳамиша она қишлоғининг келажагини ўйлар, муносиб ўринбосар тайёрлашни бир нафас ҳам эсидан чиқармасди. Тез-тез қишлоқ мактабларига борар, ўқитувчилар даврасида ўтириб, мактабдаги таълим-тарбия аҳволи ҳақида сўраб, уларга нимаики зарур бўлса, имкони борича топдириб берарди. Маъракаларга борса, қайси жойда ўқитувчилар ўтирганини билиб, уларнинг ҳурматини жойига қўярди. Иқтидорли ўқувчилар кимларнинг фарзандлари, қайси фанга қизиқишади, қайси илмгоҳга йўлланма олишмоқчи шуларни суриштириб, белгилаб юрарди. У пайтда кўпинча олий ўқув юртларига кетишни истовчиларга ёрдам беришмасди, ишчи кучидан ажралиб қоламиз деб ўйлашарди. Лекин раис бунинг аксини қилар, ўрта мактабни тугатиб ўқишга кириш учун йўлланма сўраб борган қишлоқ болаларига ёрдам берарди. Уларга ўз чўнтагидан ёрдам пули бериб юборган вақтлари ҳам кўп бўлган.

— Президентимизнинг соғлом авлод учун ғамхўрлик қилаётганини, ҳатто ана шундай орден таъсис этилганини эшитганимдаёқ, беихтиёр эсимга Рўзмат Мадаминов келади,— дейди кўп йиллар у билан бирга ишлаган шогирди Р. Авазматов.— Майдонда синалган элда азиз, дейди халқимиз. Ҳақ гап. Яқинда устозим Р. Мадаминов номидаги жамоа хўжалигимиз вилоятда биринчи бўлиб орден олишга мушарраф бўлди. Бу муқофот Рўзмат аканинг эзгу ишлари учун ҳам берилгандай, зеро унинг ёш авлод тарбияси учун қилган ишларини санаб ниҳоялаб бўлмайди.

У қисқа умр кўрди. Бор-йўғи 44 йил яшади, холос. Лекин у кўп ишларни қилишга улгурди. Инсон умрининг мазмуни унинг кўп яшагани билан эмас, балки қилган иши кўлами билан ўлчанади. Раҳматлик ҳозир тирик бўлганида 61 ёшга кирган бўлар эди.

Тақдир унга ўз орзуларининг рўёбини кўришни муяссар қилмаган экан. Лекин эзгу ишларни ўғли Матёқуб Мадаминов давом эттирмоқда. Қишлоқ аҳли унинг жамоа хўжалигига келиб раҳбарликни қўлга олишини чин дилдан олқишлади. Олқишладигина эмас, балки бошқарув раислиги лавозимига ўтишини талаб қилишди. Бу ҳам соётликларнинг ўз раиси Р. Мадаминов хотирасига бўлган ҳурмат-эътиқодининг ва унинг фарзандига бўлган ишончининг бир ифодасидир.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Қашқадарё вилоят кўчмас мулк биржаси 1994 йил 28 октябрда ким ошди савдосини ўтказади. Навбатдаги савдога қуйидаги иншоотлар қўйилади:

ЙЎЛМАС САРМОЯДОР!

ҚЎЧМАС МУЛК

ДЕҲҚОНОБОД ТУМАНИ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ БЎРДОҚИЧИЛИК БАЗАСИ БИНОСИ

Деҳқонобод туманининг Деҳқонобод посёлкасида, дарё ёқасида, Тошкент—Термез йўли ёнида жойлашган. Бир қаватли, атрофи тош деворлар билан ўралган.

Умумий майдони — 5000 кв.метр.
Дастлабки баҳоси — 20 минг сўм.

ҚАМАШИ ТУМАНИ КОММУНАЛ ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ 2-СОНЛИ ҲАММОМ БИНОСИ

Қамаши туманидаги Гулшаний кўчасида жойлашган. 1қаватли ғиштли бино, ювиниш хоналари эркаклар учун алоҳида, хотин-қизлар учун алоҳида қилиб қурилган. Ичида бассейни бор. Ҳаммомнинг ўзи 300 кв. метр. Ҳовлисида 4-5 йиллик мевали дарахтлар бўлиб, сим девор билан ўралган.

Умумий ер майдони — 2000 кв. метр.
Дастлабки баҳоси — 100 минг сўм.

ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ 7-СОНЛИ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ САВДО ДЎКОНИ

Шаҳрисабз тумани Тошкент — Термиз йўли ёқасида жойлашган. Бир қаватли металл конструкцияли ойнаванд бино. 2 та савдо зали ва омборхонаси бўлиб, 500 кв.метр майдонга эга.

Дастлабки баҳоси — 20 минг сўм.

«КЕШ» МЕҲМОНХОНАСИ

Шаҳрисабз шаҳар А. Темур кўчасида жойлашган. 3қаватли ғиштли бино. 1989 йилда фойдаланишга топширилган, 103 ўриндан иборат: шулардан 1 ўринли 3 хона, 2 ўринли 48 хона, юмшоқ ўринли 4 хонадан иборат. Ёнида ресторан бор, хоналарда душ ва ҳожатхонаси мавжуд, иситиш тизимлари марказий иссиқлик қувурига уланган, меҳмонхонанинг орқа ва олдида пиёда йўлаклари бўлиб, гулзори ҳам бор. Орқа томонларида автомашина сақлаш майдончаси бор, атрофида мевали ва меваси з дарахтлар экилган, ёзги павильон орқа томонида жойлашган.

Умумий майдони — 2600 кв. метр.
Бошланғич баҳоси — 280 минг сўм.

ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИГА ҚАРАШЛИ «ГРИЛЬ БАР» ҚАҲВАХОНАСИ

Ушбу қаҳвахона Чироқчи тумани марказида жойлашган бир қаватли ғиштли бино, ён тарафи кўкаламзорлаштирилган, орқа тарафида шоҳбекат жойлашган бўлиб, Қарши — Шаҳрисабз йўли «Гриль бар» ёнидан ўтган.

Умумий ер майдони — 6000 кв. метр.
Дастлабки баҳоси — 60 минг сўм.

ҚАРШИ ШАҲАР МЕВА-САБЗАВОТ КОРХОНАСИГА ҚАРАШЛИ 16-СОНЛИ МЕВА-САБЗАВОТ ДЎКОНИ

Косон шаҳри марказида жойлашган. Бир қаватли ғиштдан қурилган. Олд тарафидан марказий йўл ўтган, гавжум жойда жойлашган.

Умумий майдони — 60 кв.метр.
Дастлабки баҳоси — 55 минг сўм.

ҚАРШИ ТУМАНИДАГИ «АВРОРА» ҚЎРҒОНИДАГИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ҲАММОМ БИНОСИ

Қарши туманидаги «Аврора» қўрғонининг аҳоли гавжум марказий кўчасида жойлашган. 1 қаватли ғиштли бино, миллий услубда қурилмоқда. Ҳозирги кунда қурилиш-монтаж ишлари 50 фоизга бажарилган.

Дастлабки баҳоси — 30 минг сўм.

НИШОН ТУМАНИ САВДО ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ЧОЙХОНА БИНОСИ

Янги Нишон шаҳри Огаҳий кўчасида жойлашган. 1 қаватли ғиштли бино. Қурилиш ишлари 70 фоизга бажарилган.

Умумий ер майдони — 0.64 га. ни ташкил қилади.
Бошланғич баҳоси — 70 минг сўм.

ҚАРШИ ШАҲРИ ЭСКИ БОЗОР ДАҲАСИДА ЖОЙЛАШГАН ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН САВДО МАРКАЗИ

Эски бозорнинг орқа тарафида, кўл бўйида жойлашган бўлиб, темир бетондан қурилмоқда. Савдо учун қулай аҳоли гавжум жойда жойлашган. Ён тарафидан катта йўл ўтади.

Дастлабки баҳоси — 100 минг сўм.

ҚАРШИ ШАҲАР ЎЗБЕКИСТОН КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН «РОҲАТ» ЧОЙХОНАСИ

Темир йўл бекати ёнида жойлашган, 2 қаватли ғиштли бино. Олд тарафи темирпанжара билан ўралган бўлиб, атрофи кўкаламзорлаштирилган. Ён тарафида колхоз бозори ва савдо расталари жойлашган. Чойхонада ҳар хил миллий таомлар пиширилади, қариялар учун ёғоч сўрилар мавжуд.

Умумий майдони — 2000 кв. метр.
Дастлабки баҳоси — 50 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар:
Қарши ш. 4-40-78, 4-52-86, 4-47-67.
Тошкент ш. 67-32-71.

ДИҚҚАТ!

"ЎЗБЕКГАЗАВТОМАТИКА" ЗАВОДИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

машиний газ горелкалари, АКГВ - 23,2 маркали иситиш печлари, 4 конфорали газ плиталари, сув қиздириш титанлари ҳамда буюртма бўйича регистрларни

СОТАДИ

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ:

Тошкент шаҳри, 700156, Чилонзор даҳаси, 20-мавзе. 13, 69, 87, 94 автобуслар, 19, 23 троллейбуслар-нинг "Заргарлик" заводи бекати.

"ЎЗБЕКГАЗАВТОМАТИКА " ЗАВОДИ.

AI FAROSAT TECHNOLOGY INTERNATIONAL

ЎЗБЕК — АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

MZ PACIFIC Inc., USA КОРПОРАЦИЯСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

НАЗОРАТ КАССА АППАРАТЛАРИ (SHARP, ROYAL, SAMSUNG)

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИГА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ЮҚОРИ САВИЯЛИ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ, ЗАРУР БЎЛАДИГАН ҚИСМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАЙМИЗ.

КАССИРЛАР, СОЛИҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ ВА ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ТЕХНИКЛАРНИ ЎҚИТАМИЗ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА ШАҲАР, ВИЛОЯТ ВА ТУМАН МАРКАЗЛАРИДАГИ ВАКИЛЛАРНИ КАССА АППАРАТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШДА ВА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

СИЗНИНГ ЯҚИН ВА УЗОҚ ХОРИЖДАГИ ҲИСОБЛАРИНГИЗНИ ТЎЛАЙМИЗ

БИЗНИНГ ДОИМИЙ ИШЛАЁТГАН КАССА АППАРАТЛАРИ САВДО КЎРГАЗМАМИЗГА ТАШРИФ БУЮРИНГ.

МАНЗИЛИМИЗ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083, БУЮК ТУРОН КЎЧАСИ, 41.

БИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАР: 33-91-92, 33-65-07, 32-55-18

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

Сурхондарё вилояти кўчмас мулк биржаси ишбилармон ва тадбиркорларни 1994 йил 29 октябрда ўтказиладиган ким ошди савдосига таклиф этади!
Савдога қуйидаги иншоотлар қўйилади:

"ҚУРУВЧИ" ДЎКОНИ

Жарқўрғон туманидаги Какайди қишлоғида жойлашган темир конструкцияли дўкон. Автомобиль йўли ёқасида жойлашган. Савдо салони 100 кв.м. Омборхона ички майдони ҳажми 50 кв.м. Электрлаштирилган, ер майдонига эга, атрофи ободонлаштирилган. Дўкон хозирги пайтда ишлатилмаётир.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *60 минг сўм.*

ҲАММОМ

Бойсун туманидаги "Сайроб" жамоа хўжалигида жойлашган. Соатига 27 кишига хизмат қилиш учун мўлжаллаб қурилган. 1987 йилда ишга туширилган. Қурилиш майдони 180 кв.м. "Термиз — Тошкент" автомобиль йўли ёқасида, жамоа хўжалиги марказида жойлашган. Атрофи тош девор билан ўралган. Оилавий фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *27 минг 866 сўм.*

ҲАММОМ

Шеробод тумани Б. Нозим кўчасида жойлашган. Ҳар соатда 40 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Дам олиш хоналари мавжуд. Табиий газ билан иситилган. 0,15 сотих ер майдони бор. Атрофи ободонлаштирилган ва боғ қилинган.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *120 минг сўм.*

"ОРОМ" ОШХОНА ВА ЧОЙХОНАСИ

Узун тумани марказидаги "Ғалаба" маданият ва истироҳат боғида жойлашган. "Лаззат" умумий овқатланиш корхонасига қарашли иншоот 1988 йилда ишга туширилган, автомобиль йўли ёқасида жойлашган.Атрофида меҳмонхона, ресторан ва бошқа маъмурий бинолар бор. Мажмуалашган ошхона ва чойхона жиҳозлари билан бирга.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *60 минг сўм.*

11 ТА САВДО ДЎКОНИ

Жарқўрғон туманидаги тайёрлов, сақлов ва савдо кооператив бирлашмасига қарашли деҳқон бозори ичидаги шарқона услубда қурилган 5, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14 сонли дўконлар. Буларнинг фойдаланиш майдони 10, 55 кв.м. Ҳар бир дўконнинг БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *29минг 182 сўм.*

17- ва 18-дўконлар. Ҳар бирининг фойдаланиш майдони 22,2 кв.м. БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *62 минг 182 сўм.*

РЕСТОРАН

Қумқўрғон туманидаги Ш. Мирзаев жамоа хўжалигида жойлашган. 45 кишига хизмат кўрсатади. Фойдаланиш майдони 1100 кв.м. Умумий фойдаланиш майдони 2200 кв.м.1984 йилда пишиқ ғиштдан қурилган. Ойнавандли,ҳамма қулайликлар мавжуд. Фойдаланиш майдони 1гектар.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *60 минг сўм.*

ЧОЙХОНА

Қумқўрғон туманидаги Ш. Мирзаев жамоа хўжалигида жойлашган. 40 кишига мўлжалланган. Майдони 1100 кв.м. Умумий фойдаланиш майдони 2200 кв.м. 1984 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *25 минг сўм.*

МАЪМУРИЙ БИНО ВА САНОАТ БАЗАСИ

Қизириқ туманидаги қурилиши тугалланмаган "Маъмурий бино ва саноат базаси". Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. 11 хонадан иборат. 4 таси кичик ва 7 та хонаси каттадир. Электромонтаж ва сантехника ишлари тўлиқ бажарилган. Устки қисми бетон билан ёпилган. Якка тартибда иситиш қозони ўрнатилган. Алоҳида қоровулхонаси бор. Фойдаланиш майдони 1гектар.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *63 минг сўм.*

МЕҲМОНХОНА

Сариосиё туманидаги деҳқон бозорининг ичида жойлашган. 48 ўринли, 24 хонали 2 қаватли бино. Ер майдони 1092 кв.м, пишиқ ғиштдан терилган, декоратив суваклган ва шиферланган. Қурилиш ишлари юз фоиз бажарилган. 10 хонадан иборат, ер тўлаисидан сабзавот ва мева сақлаш учун омбор сифатида фойдаланиш мумкин.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *130215 сўм*

"НУР ЖАЛИЛ" ФИРМАСИ

Термиз тумани Учқизил посёлкасида жойлашган "Нур Жалил" фирмаси, ер майдони 4327 кв.м, бетон девор билан ўралган, ичида 9 та иморат жойлашган.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *800 минг сўм.*

"НАВРЎЗ" ОШХОНАСИ

Шеробод тумани "Наврўз" жамоа хўжалигида жойлашган. 1988 йилда қурилган. Бир вақтнинг ўзида 70 киши овқатланиши мумкин. Ҳамма қулайликларга эга. 3 гектар ер майдони бор.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *60 минг сўм.*

ҲАММОМ

Шеробод тумани "Наврўз" жамоа хўжалигида жойлашган. Бир қаватли иморат. Бир соатда 30 киши ювинади. 1992 йилда қурилган.Ҳаммом типовой, саунаси ҳам бор.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *50 минг сўм.*

"ШАРҚ" МЕҲМОНХОНАСИ

Термиз шаҳар Ф. Хўжаев кўчасида жойлашган. Бино 2 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. 100 ўринли, ҳамма қулайликлари бор, марказий иситиш тизими ва канализацияга уланган.

БОШЛАНҒИЧ НАРХИ — *130 минг сўм.*

Телефонлар: Термиз ш: 3-00-25. Тошкент 67-32-71

"Ўзбекистон овози" газетасининг Реклама-ахборот хизмати телефонлари: 33-38-55, 32-54-12

Мулоҳаза

СОҲИБИ "ҲИДОЯ"НИНГ ИККИ ҚАБРИ

Анча йиллар бурун бир тасодиф билан "Ҳидоя" китобининг русча таржимаси қўлимга тушиб қолди. Бу Н. Гродеков 1893 йили Тошкентда чоп эттирган тўрт жилдлик "Ҳидоя"нинг охирги жилди эди. Китобни ўқиб ўзимни мутлақо янги бир оламда ҳис этдим. Чунки, маълум сабабларга кўра ўшангача менда ислом, шариат қонунлари хусусида тасаввур ҳам йўқ эди. Мусулмон қозилари ва муфтилари ҳукм ёки фатво чиқарганда нималарга таяниши, қандай қонун-қоидаларга асосланишидан мутлақо бехабар эдим. Тўғриси, шариат қонун-қоидалари турмушда рўй берадиган энг майда баҳс, жанжаллардан тортиб катта жиноятларгача тегишли баҳо бериб, уларнинг ўта холис ва тўғри ечимини кўрсатадиган ўзига хос, пишиқ-пухта, адолатли қонунлар мажмуаси эканлигини ҳаммамиз ҳам энди англаб етяпмиз.

"Ал-Ҳидоя фи шарҳ ал Бидоя" ёки "Ал-Ҳидоя фи-л фуруъ" деб номланган, талаффузда осон бўлиши учун "Ҳидоя" номи билан машҳур бу буюк асарни фарғоналик фикҳшунос аллома Мавлоно Бурҳонуддин Марғилоний битган. Унинг мусулмон қонунчилигини шакллантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида кейинги пайтда кўп ёзилган. Кўпгина журнал, газеталарда бу улуғ зотнинг таржимаи ҳоли ва асарларининг аҳамияти ҳақида ўнлаб мақолалар эълон қилинди.

Мавлоно Бурҳонуддин Фарғона водийсида туғилиб ўсиб, дастлабки таълимни Марғилон мадрасаларида олган эса-да, умрининг кўп қисмини Самарқандда ўтказганлиги маълум. Баъзи мақолаларда Мавлоно Бурҳонуддиннинг туғилган жойини кўрсатишда чалкашлик мавжуд. Масалан, кўпинча у милодий 1121 йил 23 сентябрь куни Марғилон шаҳрида таваллуд топган, деб ёзилади. Ҳолбуки, Мавлоно Бурҳонуддин водийнинг кўҳна шаҳарларидан ҳисобланмиш Риштонда туғилиб ўсганлиги ишончли манбаларда қайд этилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да тўғридан-тўғри "Соҳиби "Ҳидоя" Марғилоннинг Рушдон отлиқ кентидиндур" деб ёзган. Бу эса Марғилонийнинг туғилган жойи ҳақидаги масалага узил-кесил ойдинлик киритади.

Юқорида айтганимиздек, Мавлоно Бурҳонуддин Марғилоний умрининг катта қисмини Самарқандда яшаб ўтказди. Шу ердан ҳажга бориб қайтди. Шу ерда ўзининг буюк китоби "Ҳидоя"ни ёзиб битказди. 1197 йили эса шу ерда оламдан ўтди. Абу Тоҳирхўжанинг "Самария" асарида Мавлоно Бурҳонуддин ҳақида маълумот берилиб, унинг қабри жойи аниқ кўрсатилади. Мавлононинг "қабри ҳам Чокардиза қабристонида, катта кўчанинг кунботари, ҳовузга ўхшаган чуқурнинг ёнидадирким, шу катта йўл ўша ҳовуз орқали (шарқ-шимолга қараб) ўтади. Мавлоно Бурҳонуддин қабри ўша катта йўлнинг жануб тарафида, пишиқ ғиштдан қилинган баланд суфададир", деб кўрсатилади "Самария"да.

Абу Тоҳирхўжанинг ўзи қонуншунос, қозилик мансабларида ишлаган одам бўлиб, бобоси Мавлоно Мир Абдулҳай Самарқанд шаҳрида 40 йил қозикалонлик мансабида турган. Мавлоно Мир Абдулҳай Бурҳонуддин Марғилонийнинг издошларидан ҳисобланиб, "Ҳидоя" асари хусусида "Ҳидоя шаҳрининг шарҳи" деб номланган китоб ёзган. Демак, ўз даврининг фозил, донишманд кишиси бўлган, Самарқанд тарихини яхши билган Абу Тоҳирхўжадек зот, ота-бобосидан тортиб ўзи ҳам устод санаган Бурҳонуддин Марғилоний қабрини белгилашда хато қилиши мумкин эмас.

Аммо ажабланарлиси шундаки... Мавлоно Бурҳонуддиннинг киндик қони тўкилган кўҳна маскан — Риштон шаҳрида ҳам буюк қонуншуноснинг қабри мавжуд! Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу муборак қабр жойлашган қабристон ҳам шу қабр эгаси шарафига "Соҳиби Ҳидоя" деб аталади. Қабристон жуда ҳам кўҳна. Фарғонанинг қадимги тарихи бўйича йирик мутахассис Н. Горбунова қарийб икки гектар ерни эгаллаган бу қабристонда В. Д. Жуков томонидан ўтказилган тадқиқотларга асосланиб, қабристон VIII асрдан буён мавжудлигини исботлаб берган. Демак, Мавлоно Бурҳонуддин шу қабристонда дафн этилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Риштонлик кўплаб фозил кишилар биз билан суҳбатда чиндан ҳам бу қабр Бурҳонуддин Мирғилонийга таллуқли эканлиги, бу ҳақда ўз ота-боболаридан эшитганликларини айтдилар. Айтишларича, кўҳна маданиятимиз билимдони, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, шоир ва тадқиқотчи олим, риштонлик Боқий домла ҳам қабр Мавлоно Бурҳонуддинга тегишли эканлиги ҳақида фикр юритган.

Кейинги йилларда Риштон шаҳри жамоатчилиги, қадриятимиз қадрига етадиганлар саъй-ғайрати билан фикҳшунос алломанинг қабри таъмирланди. Риштонликлар улуғ ҳамшаҳарлари мангу хобгоҳини янада обод, кўркам зиёратгоҳга айлантириш ниятидалар. Шу мақсадда Мавлоно Бурҳонуддин мақбарасини устод қонуншуноснинг ҳурмат эътиборига мос равишда қайта қуриш учун шаҳарда махсус жамғарма ташкил этилган. Корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар, фуқаролар бу фондга маблағ ўтказишяпти. Яқин кунларда Мавлоно Бурҳонуддин қабри жойлашган "Соҳиби Ҳидоя" қабристони бутунлай бошқа манзара касб этади.

Шу ўринда бир таассуфга сазовор ҳолни қайд этмай иложимиз йўқ. Фарғона вилояти илмий-маданий жамоатчилиги, зиёлилар Бурҳонуддин Марғилонийнинг 900 йиллигини ўтказишга дастлабки тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган. Марғилонлик пешқадам зиёлилардан Ўктам Эшонбобо ўғли яқинда Бурҳонуддин Марғилоний қадамжолари бўйлаб сафарда бўлиб қайтди. Таассуротлари бир олам, Бироқ...

— Ул зотнинг (қанчалик таажжубланарли бўлмасин!) мавжуд ҳар иккала қабрларини ҳам зиёрат қилиш мақсадида Риштон ва Самарқандга бордик, — дейди у, — Риштондаги қабр таъмирланган, қаровсиз қолмаганлиги кўриниб турибди. Самарқандда эса қабр жойлашган Муҳаммадия қабристони кейинги йиллардаги қурилишлар туфайли ўзгариб кетибди. Суриштирсак, ислом маданияти, қонунчилигига мислсиз улкан ҳисса қўшган буюк ватандошимизнинг қабри бир кишининг хусусий хонадони ичида қолиб кетган экан. Ўша хонадонни топиб борсак, эгалари йўқ. Кўча дарвозаси берк. Қўшнилардан суриштирсак, қабрнинг аҳволи яхшимас, дейишди. Минг таассуфлар бўлсинким, Фарғонадай жойдан бориб муҳтарам бобокалонимиз ҳок-пойларини кўзга суртолмай ноумид қайтдик... Албатта, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги машҳур аллома, ҳазрати Амир Темур ҳам иззат қилган (Ибн арабшоҳ Соҳибқирон Мавлоно Бурҳонуддин хотирасини эъзозлагани, унинг авлодлари Темур давлатида олий қози, муфти мансабларида турганлигини ёзган) буюк фикҳшунос олим хотирасини ҳурматлаш учун барча ишни қилиши шубҳасиз...

Демак, Ўзбекистоннинг икки кўҳна шаҳрида ўзбекдан чиққан буюк олимнинг икки қабри мавжуд экан, уларнинг қай бири ҳақиқий?! Самарқанддагими ёки Риштондагими? Албатта, Абу Тоҳирхўжанинг "Самария"да келтирган далиллари ишончли. Бироқ бир нарсани ёддан чиқармайлик. "Самария" муаллифи ҳам баъзи ноаниқликларга йўл қўйиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Масалан, Абу Тоҳирхўжа баъзи қабрлар жойини белгилашда хатога йўл қўйганлигини Садриддин Айний таъкидлаб ўтган эди. Чунончи, "Самария"да тарихий шахслардан бири ҳақида гапириб, Абу Тоҳирхўжа у киши яъни "Мавлоно Муҳаммад Содиқнинг қабри Хожа Абди дарун қабристонидадир" дея аниқ кўрсатган бўлса-да, Айний Мавлоно Муҳаммад Содиқнинг қабри Қобулда эканлиги ҳақиқатга яқинлиги, чунки ул зот милодий 1598 йилда Қобулда вафот этганлигини қайд этади.

Албатта биз бу билан "Самария"даги фактларни инкор этмоқчи эмасмиз. Бу зукко шарқшунос тарихчи олимларимиз ихтиёрига ҳавола. Бироқ Мавлоно Бурҳонуддин Марғилоний қабрининг икки жойда бўлиб қолишининг бошқа сабаблари бордир... Тарихда бундай ғалати ҳоллар учрайди. аввало, танаси бир жойда дафн этилиб, кейин ҳоки васиятига мувофиқ ёки сиёсий шарт-шароитлар туфайли бошқа жойга олиб кетилган шахслар кўп. Масалан, Бобурнинг аввал Аграда, кейин Қобулда дафн этилиши ҳодисасини эслайлик. Гўри Амир даҳмаси остида мангу уйқуда ётган темурийзодаларнинг аксарияти ҳам аввал бошқа жойларга дафн этилиб, сўнг темурийлар хилхонасига келтирилганлиги маълум. Балки, Мавлоно Бурҳонуддин Марғилоний Самарқандда дафн этилгандан сўнг озроқ вақт ўтгач, васиятига кўра ёки бошқа сабаблар билан Мавлоно ҳокини Риштонга олиб келиб дафн этишлари ва у киши шарафига ўша қабристон "Соҳиби "Ҳидоя" деб номланиб кетган бўлиши мумкин. Самарқанддаги қабри эса олимга эҳтиром юзасидан бузилмай қолган ва кейинчалик зиёратгоҳга айланиб кетгандир. Булар энди албатта, тахмин, нуқтаи назар, холос. Ҳар ҳолда ислом қонунчилиги пойдеворини яратган, дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳатто ҳозиргача ҳам амалда қўлланилаётган қонун-қоидалар мажмуини ишлаб чиққан зоти шарифнинг икки қабри масаласига олимларимиз ойдинлик киритишар.

Алишер ИБОДИНОВ.

•Ранг-баранг олам

МАШИНА ЎҒРИЛАРИ

•Кузатишларга қараганда, Аргентина пойтахтида ҳар 12 минутда битта автомашина ўғирланар экан. Агар бундай маром йил охиригача давом этадиган бўлса, Буэнос-Айресда қарийб 45 минг машина ўғрилар қўлига ўтиши мумкин. Бу мамлакатда рўйхатга олинган ҳар 100 машинадан биттаси кетди, демакдир.

ҲОКИМ ВЕЛОСИПЕД МИНМОҚДА

•Литванинг оромгоҳ Друскининка шаҳрининг ҳокими Витаутас Вайшнорас ўзига хос ибрат кўрсатди. У автомашинада юришга барҳам бериб, велосипед минишга ўтди. Ҳокимнинг бу "қилиғи" унинг ёрдамчиларига ҳам ёқиб тушди. Қўл остида хизмат қилаётганлар ҳам ҳокимни қўллаб-қувватлаб, велосипед етаклаб қолишди. У ёғини сўрасангиз, бундай ташаббус биринчи марта Литва соғлиқни сақлаш вазири, таниқли кардиолог Юргис Бредикисдан чиққан эди. Хулласи калом, велосипед миниш ўз соғлиғи ҳақида қайғуришдир. Литва жаҳондаги энг кам чекувчилар мамлакати ҳисобланади.

ТИШИ ЧИҚҚАН КАМПИР

•Шарқий Хитойда истиқомат қилувчи 92 ёшли Цзян Айчжэн буви яна болаликка қайтди. Табаррук ёшда бўлишига қарамай, ўзини тетик ва бардам сезувчи бу қария ҳануз уйрўзғор юмушларига қарашиб туради. Маълум бўлишича, унинг кутилмаганда милклари оғриб қолган. Шифокорлар тиши йўқ одамнинг милклари нега оғрийдикан, деб қарашса, гуручдек тишлар чиқаётган экан.

ТЎРТ МАМЛАКАТНИНГ ХАЛҚ АРТИСТИ

Халқимизнинг суюкли ҳофизи Отажон Худойшукуровнинг довруғи Марказий Осиё республикаларида танилик. Катта-катта тўй-байрамларимиз усиз ўтмайди. Куни кеча Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳрида тўрт республиканинг халқ артисти унвонига сазовор бўлган Отажон Худойшукуровни эллик ёши билан қутлашди.

Ўзбек санъатининг катта устунларидан бири, машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов 1972 йилда у ҳақда шундай деган эди: "Амударёнинг нариги ёғида тенгдошларидан ўзининг худо берган овози билан ажралиб турадиган тенги йўқ бир йигит бор. Уни Отажон Худойшукуров дейдилар. Санъат бўстонининг эртанги булбулиям, фахриям ўша йигит бўлади. Унинг овозидаги имконият чексиз-чегарасиз. Ҳали мени айтди деярсиз". Устоз санъаткорнинг башорати ижобат бўлди. Бугун унинг янгроқ овозини суйганлар яна бир бор ҳофизни олқишламоқ ва қутламоқ учун йиғилдилар.

Кечани Тўрткўл тумани ҳокими Ғ. Хажаев бошлаб берди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Уббиниёз Аширбеков санъаткорни табриклади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси муовини А. Тожибоев Отажон Худойшукуровнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилди. Шундан кейин Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов, Тошҳовуз вилояти ҳокими С. Матхоев ва Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазири Н. Муҳаммадиев табриклар айтдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

•Инсон ва табиат

ХАЛҚ УСУЛИДА

Сарв дарахти барги ёки лавлаги баргини экиладиган уруққа аралаштириб, уйда сақланса, уруғ экилгунга қадар ҳеч зарар кўрмайди.

Агар қуруқдаги қурбақани бир идишга солиб, экин экиладиган ернинг ўртасига кўмиб қўйилса, бир соат қолдириб, сўнг кавлаб олинса, экин офатдан омон бўлади, таъми эса яхши бўлади.

СОВУҚ ЗАРАРИНИ ЙЎҚОТИШ ҲАҚИДА

Ҳайвонларнинг гўнгидан экинзор ҳамда дарахтзорларнинг атрофига худди тупроқни дўнг қилиб, тўп-тўп қилиб қўйган каби тўплаб қўйилади. Совуқ уриш хавфи туғилган куни уларга олов туташтирилади. Ёнган гўнглар таъсири экин ва дарахтларга етгач, улар совуқ уришдан омон қолади.

Совуқ бўлган куни токларга сув берилса, совуқ уларга таъсир қилмайди. Агар токларнинг ёнига боқила экилса, боқила донлари етилгач, териб олинса, аммо уларнинг томирлари юлиб олинмай қолдирилса, совуқ токларга таъсир қилмайди. Агар ток кесадиган аррани отнинг ёғи билан ёғланса ёки аррани мол ёғи ёхуд бақа қони билан бўялса, шу арра билан кесилган ток совуқдан саломат бўлади.

"ЗИРОАТНОМА"ДАН.

• СПОРТ •СПОРТ •СПОРТ •СПОРТ •СПОРТ •СПОРТ •СПОРТ

ДОВРУҒИМИЗНИ ОЛАМГА ЁЙГАНЛАР

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Осиё мамлакатлари спортчиларининг олимпиадаси, жўнроқ қилиб айтганда, Осиё ўйинларининг байроғи 16 кун мобайнида қилпираб турди. Бу кунлар бетакрор воқеалар ва муросасиз баҳсларга бойлиги билан мухлислар, мутахассислар-у спортчиларни ҳаяжонга солди, миллионларни ром этди. Нуфузли мусобақа ғолиби бўлиш, совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилиш ҳар бир спортчидан юксак маҳоратни тақозо этади. Зеро, 42 мамлакатдан ташриф буюрган 7 мингдан знёд спортчи ўз юртига қуруқ қайтмаслик учун зўр берди.

Ўзбекистонлик мухлислар ҳам Япония тарафдан эсгувчи тонги сабони илҳақлик билан кутдилар. Ишқибозлар қатори катта ёшдаги, қолаверса, болакайлар ҳам Хиросимада биринчи бўлиб қайси спорт турининг вакили ғалабаси шарафига мовий-яшил байроғимиз кўтариларкин, деб умидвор бўлдилар. Зотан, республика терма жамоаси медаллар ҳисобини курашчи Геннадий Пуляев ўзининг кумуш нишони билан очди. Баъзи мутахассислар Ўзбекистонда спортнинг эшкак эшиш турини ривожлантиришга қулай имкониятлар йўқлиги ҳақида мулоҳаза билдиришади. Дарҳақиқат, баъзи мамлакатларда бўлгани каби ўлкамизда дарё, кўл, кўрфаз ва улкан сув ҳавзалари мўл эмас. Фақат Самарқандда эшкакчилар учун спорт мажмуи бор. Буни қарангки, баҳсларда дастлабки олтин медалларни эшкак эшувчиларимиз қўлга киритишди.

Байдаркачи Иван Киреев аввал 500, кейин 1000 метрли масофада ғалаба қозониб, кейин 1000 метрли масофага тўрт кишилик қайиқда сузиш бўйича ҳам зафар қучди. Шу тариқа Ўзбекистон байроғи ғолиблар шарафига уч марта кўтарилиб, мадҳиямиз садолари янгради. Унутилмас бу дақиқалар ойнаи жаҳон орқали ўнлаб мамлакатларга олиб кўрсатилди.

Нуфузли мусобақаларда енгил атлетикачиларнинг чиқишлари алоҳида ўрин тутади. Атлетикачиларимиз ҳам бу борада ибрат кўрсатдилар, дейиш мумкин. Баландликка сакраш устаси Светлана Мункова, найза улоқтирувчи Оксана Яригина, ўнкурашчи Рамил Ғаниевларнинг ғалабалари билан жами олтин медалларимиз тезда 6 тага етди. Бундан ташқари, найза улоқтирувчи Владимир Парфёнов билан Виктор Зайцев, ўнкурашчи Олег Веретельниковлар медаллар жамғармасини кумуш нишонлар билан бойитишди.

Маълумки, чарм қўлқоп усталарининг баҳслари ҳамиша муросасиз ва қизғин бўлади. Ҳар бир боксчининг саралаш учрашувидан финалгача бўлган йўлини мухлислар зимдан кузатадилар. Юртимизда спортнинг бу турига эътибор катта. Ишқибозлари давраси ҳам кенг. Боксчимиз Олег Москаев билан Алишер Авезбоевнинг якунловчи учрашувда ўз рақибларини нокаут зарби билан доғда қолдириши, айниқса, таҳсинга лойиқ. Наримон Отаев билан Дамир Ёрбековлар бронза медали олишди.

Нишонни бехато уриш мергандан бағоят аниқликни талаб қилади. Хусусан, 25 метрли масофадан пистолетдан нишонга олишнинг ўзи бўлмайди. Мерганларимиз Шуҳрат Аҳмедов, Анвар Осмонов, Николай Репичевлар жамоа ҳисобида ғалаба қозониб, олтин медалларни 9 тага етказишди.

Осиё ўйинларида футболчиларимиз энг севимли жамоалардан бирига айландилар. Газеталарда улар ҳақида "Осиёда порлаган юлдуз", деган ибора пайдо бўлди. Бош тренер Рустам Акрамов, катта тренер Биродар Абдураимов устозлик қилган футболчиларимиз ишончимизни оқлашди. Улар жами етти учрашувни мағлубиятсиз ва дурангсиз ўтказдилар. Игорь Шквирин "Энг яхши ҳужумчи", Миржалол Қосимов "Энг яхши ҳимоячи", Юрий Шейкин "Энг яхши дарвозабон" номига сазовор бўлишди. Айниқса, йигитларнинг ярим финалда Корея, финалда Хитой футболчилари билан кўрсатган маҳоратлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз спортчилари йирик халқаро анжуманда Ўзбекистон деган ажойиб юрт борлигини оламга кўз-кўз этдилар. Улар ўнта олтин, ўн битта кумуш, ўн тўққизта бронза медалларини қўлга киритиб, Хитой, Япония, Корея, Қозоғистон мамлакатларидан кейин 5-ўринни эгаллашди. Мусобақа Ўзбекистонда спортни янада ривожлантириш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш ва халқаро майдонда довруғ таратишга катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Олдинда эса олимпиада ўйинлари, жаҳон футбол чемпионати турибди. Ўйлаймизки, спортчиларимиз ана шу маромда олға одим ташлайверадилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Суратларни Абдувоҳид Тўраев олган.

Шифокор огоҳлантиради

ЎЛАТ — ХАВФЛИ ХАСТАЛИК

Ўлат касаллиги қўзғатувчисини оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Ўлат микроби одам танасига тери, оғиз, бурун ва нафас йўллари шиллиқ қаватлари орқали касалланган туя сути ва гўштини истеъмол қилганда ёки сичқон, каламуш чиқиндилари билан зарарланган озиқ-овқатлар истеъмол қилинганда юқади. Энг хавфлиси, одамнинг нафас олиш йўли орқали юққан тури жуда оғир кечади.

Соғлом одамга ўлат касаллиги юққач олти кун ичида унинг белгилари пайдо бўлади. Хасталикнинг бубон тури (бунда бемор лимфа безлари шишади), тери ва қондаги, айниқса, ўпка зотилжами тури тез тарқалади. Касаллик тўсатдан бошланиб, одамнинг эти увишади, ҳарорати бирдан кўтарилади. Боши қаттиқ оғрийди. Юзи, кўзи қизариб кетади, Тили оқ караш билан қопланади, эси хиралашиб, алаҳсирайди. Беморга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, у 3-5 кун ичида ҳалок бўлиши мумкин.

Бутун дунё Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, Вьетнам, Боливия, Бразилия, Перу, Заир, Мадагаскар, Танзания, Уганда давлатларида аҳоли орасида ўлат касаллиги рўйхатга олинган. Шу кунларда Ҳиндистонда ҳам хасталикнинг ўпка зотилжами тури тарқалганлиги маълум.

Ўлат тарқалишининг олдини олиш мумкин. Аввало, одамлар орасида шу хасталик гумон қилинган бемор учраганда уни бошқалардан ажратиб, тезда тиббиёт ходимларига мурожаат қилиш керак. Эсдан чиқарманг, ўз вақтида тиббиёт муассасаларига мурожаат қилиб, тезда даволаш муолажаларини бошлаш билан одамларни ўлат касаллигидан қутқариб қолиш мумкин.

Машкура АЛИМХОНОВА,
Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ўта хавфли касалликларнинг олдини олиш бўлими шифокори.

А. С. МАЙОРОВ

Бешафқат ўлим сафимиздан ички ишлар идоралари фахрийси, заҳирадаги милиция полковниги Александр Семёнович Майоровни олиб кетди.

А. С. Майоров 1927 йилда Саратов вилоятида туғилган. Кўп йиллар ҳукумат идораларида ишлади. Йўлланма бўйича у 1964 йилда милиция хизматига келганди.

Тошкент вилояти жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, сўнгра вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимларидаги кўп йиллик фаолияти давомида у ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга бутун куч - маҳоратини сарфлади, виждонан меҳнати билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

Фидокорона меҳнати учун қатор орден ва медаллар билан муносиб тақдирланди. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос" унвонига сазовор бўлган.

А. С. Майоров ҳуқуқ-тартибот соҳасида юқори малакали кадрлар тарбиялади, улар ҳозирги кунда республика Ички ишлар вазирлиги тизимида турли лавозимларда самарали ишламоқдалар.

Биз Александр Семёнович Майоровнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз. Унинг ёркин хотираси қалбларимизда доимо сақланади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИИБ РАҲБАРИЯТИ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН !

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси ва Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқарувлари, "Ўзбекистон овози" газетаси меҳнат жамоаси республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

Иван Капитонович КОСТИКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 22.00. Г – 1181, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, А. РЎЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456.